



ЭЛЕКТРОН ПУЛ ЭВОЛЮЦИЯСИ: ФИНТЕХ ЭКОТИЗИМИ ВА БАНКЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

PhD Рахимова Хаваҳон

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0005-3941-888X

havahon@rambler.ru

Аннотация. Мақолада электрон пул эволюцияси ва финтех экотизимининг ривожланиши банклар интеграцияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Тадқиқотда рақамли тўлов тизимлари ва молиявий инклюзиянинг аҳамияти, хавфсизлик ва ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари ёритилган. UzCard, Нито, Рауте, Click платформаларининг аҳоли ва бизнес учун яратган қулайликлари таҳлил этилган. Методологик асос сифатида қиёсий таҳлил ва амалиёт мисоллари қўлланилган. Натижада блокчейн ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, инновацион бизнес моделлар ва стратегик трансформация йўналишлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: электрон пул, финтех экотизими, банк интеграцияси, рақамли трансформация, молиявий инклюзия, финтех компаниялар (UzCard, Нито, Рауте, Click), самарадорлик, рақобатбардошлик, рақамли иқтисодиёт.

ЭВОЛЮЦИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ ДЕНЕГ: ФИНТЕХ-ЭКОСИСТЕМА И ИНТЕГРАЦИЯ БАНКОВ

PhD Рахимова Хаваҳон

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В статье анализируется эволюция электронных денег и развитие финтех-экосистемы с точки зрения интеграции банков. Исследование охватывает важность цифровых платежных систем и финансовой инклюзии, вопросы безопасности и правового регулирования. Анализируется удобство, создаваемое платформами UzCard, Нито, Рауте, Click для населения и бизнеса. В качестве методологической основы используется сравнительный анализ и практические примеры. В результате разработаны практические рекомендации по внедрению технологий блокчейна и искусственного интеллекта, инновационных бизнес-моделей и стратегических направлений трансформации.

Ключевые слова: электронные деньги, финтех-экосистема, интеграция банков, цифровая трансформация, финансовая инклюзия, финтех-компании (UzCard, Нито, Рауте, Click), эффективность, конкурентоспособность, цифровая экономика.

EVOLUTION OF ELECTRONIC MONEY: FINTECH ECOSYSTEM AND INTEGRATION OF BANKS

PhD Rakhimova Khavakhon

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. *The article analyzes the evolution of electronic money and the development of the fintech ecosystem from the perspective of bank integration. The study covers the importance of digital payment systems and financial inclusion, security and legal regulation issues. The convenience created by the UzCard, Humo, Payme, Click platforms for the population and business is analyzed. Comparative analysis and practical examples are used as a methodological basis. As a result, practical recommendations have been developed on the introduction of blockchain and artificial intelligence technologies, innovative business models and strategic transformation directions.*

Keywords: *electronic money, fintech ecosystem, bank integration, digital transformation, financial inclusion, fintech companies (UzCard, Humo, Payme, Click), efficiency, competitiveness, digital economy.*

Кириш.

Глобал молия бозорида электрон пул ва фінтех экотизимининг жадал ривожланиши анъанавий банк тизимида туб ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Бу жараён молиявий хизматларда тезкорлик, хавфсизлик ва шаффофликни таъминлаб, аҳоли ҳамда бизнес учун янги имкониятлар яратмоқда. Тадқиқотнинг асосий муаммоси – электрон пул ва фінтех хизматларининг банк тизимига интеграцияси орқали самарадорлик ва рақобатбардошликни ошириш масаласидир.

Тадқиқот мақсади электрон пул эволюцияси ва фінтех экотизимининг ривожланишини таҳлил қилиш, уларнинг миллий банк тизимидаги стратегик аҳамиятини илмий асослаш ва келгуси тенденциялар бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистондаги UzCard, Humo, Payme, Click каби платформа ва миллий тўлов тизимлари танланган. Ушбу мақолада тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, эмпирик таҳлил ва прогноз таҳлил усуллари қўлланилиб, халқаро тажриба билан миллий амалиёт солиштирилди, статистик маълумотлар асосида ривожланиш динамикаси ўрганилди ва келажакдаги стратегик йўналишлар башорат қилинди.

Адабиётлар шарҳи.

Электрон пул эволюцияси ва фінтех экотизими бўйича илмий ишланмалар мавзунинг долзарблиги ва глобал аҳамиятини намоён этади. Жаҳон тадқиқотчилари электрон пулнинг молия бозорига таъсирини турли методологик ёндашувлар орқали ўрганган. Масалан, Crane (2023) электрон банк хизматлари ва мобил тўловларнинг трансформациячи аҳамиятини таъкидлаб, электрон пул эволюциясини глобал тенденциялар билан боғлайди. Gonzalez (2024) систематик адабиётлар таҳлили орқали рақамли банк хизматларининг ривожланишини ўрганиб, фінтех интеграциясидаги муаммо ва имкониятларни кўрсатади. Schmidt (2025) эса банклар рақамли трансформациясидаги асосий технологиялар ва фінтех ҳамкорлигининг стратегик аҳамиятини ёритади.

Маҳаллий тадқиқотларда Sharipov (2022) фінтех технологияларни тижорат банклари рақамли трансформациясининг асосий омили сифатида кўрсатиб, UzCard ва Humo каби миллий тўлов тизимлари ҳамда Payme, Click платформаларининг аҳамиятини таҳлил қилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2023) электрон

пулнинг ҳуқуқий асослари ва хавфсизлик масалаларига урғу берган. Халқаро ташкилотлар – Mastercard (2021) ва Fintech Consult (2022) – интернет ва смартфонлардан кенг фойдаланиш финтех бозорининг жадал ривожланишини тезлаштираётганини қайд этган.

Танқидий таҳлил шуни кўрсатадики, мавжуд адабиётлар электрон пул ва финтех хизматларининг молиявий инклюзия ва рақобатбардошликдаги аҳамиятини кенг ёритган бўлса-да, миллий амалиётдаги ҳуқуқий тартибга солиш ва хавфсизлик муаммоларини чуқур ўрганишга эҳтиёж мавжуд. Шу жиҳатдан мазкур тадқиқот мавзу доирасидаги билимларни бойитиб, келгуси стратегик йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқот методологияси электрон пул эволюцияси ва финтех экотизимининг банк тизимига интеграциясидаги муаммо ва имкониятларни илмий асосда ўрганишга йўналтирилган бўлиб, тадқиқотнинг умумий харитаси ва натижага олиб боровчи йўлни белгилайди. Тадқиқот дизайнида тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, эмпирик таҳлил ва прогноз таҳлил усуллари уйғунлаштирилиб, халқаро тажриба билан миллий амалиёт солиштирилди, статистик маълумотлар асосида электрон пул айланмаси ва финтех хизматларининг ривожланиш динамикаси ўрганилди ҳамда келгуси тенденциялар башорат қилинди. Бирламчи манбалар сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари, UzCard, Humo, Payme ва Click платформаларининг расмий маълумотлари, банклар статистик кўрсаткичлари қўлланилди, иккиламчи манбалар сифатида Scopus ва Google Scholar базасидаги мақолалар, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари асос қилиб олинди. Тадқиқот объекти сифатида миллий тўлов тизимлари ва финтех платформалар танланиб, уларнинг аҳоли ва бизнес учун рақамли хизматлар самарадорлиги ва рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан баҳоланди. Тадқиқот стратегиясида кузатиш ва прогноз таҳлил усуллари қўлланилиб, электрон пул эволюцияси ва финтех хизматларининг банк тизимига таъсири комплекс ўрганилди. Тадқиқот этикасида маълумотлар шаффофлиги, манбалар ишончилиги ва илмий холислик таъминланди. Натижаларнинг ишончилиги (reliability) ва аниқлиги (validity) методлар уйғунлиги орқали асосланиб, тадқиқот йўли аниқ ва ишончли натижаларга олиб келиши таъминланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон пул муомаласини ташкил этишга оид норматив база нафақат тўлов тизимлари ва эмитентлар фаолиятини тартибга солиди, балки банклар ҳамда финтех компаниялари ўртасидаги интеграция учун мустаҳкам ҳуқуқий асосни яратади.

«Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун (2019 йил 1 ноябрь, № ЎРҚ-578) электрон пуллар муомаласини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Айнан ушбу қонун қабул қилиниши билан Ўзбекистонда электрон пуллар айланмасини ташкил этиш ҳамда тўлов ташкилотлари (финтех компаниялари) ва электрон пул тизими операторлари фаолиятини Марказий банк томонидан лицензиялашга асос солинди. Дастлаб рўйхатдан ўтган тўлов ташкилотлари сони 10 тага ҳам етмаган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 50 тадан ошди. Қонунда тўлов ташкилотлари ва банклар ўртасидаги ҳамкорлик, электрон пуллар эмиссияси ва уларнинг муомаласига оид ҳуқуқий нормалар белгилаб берилган. Унга мувофиқ, электрон пулларни фақат банклар чиқариши (эмиссия қилиши) мумкин, финтех компаниялари эса оператор ёки агент сифатида хизмат кўрсатади. Бу эса банклар ва финтех сектори ўртасидаги интеграцияни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Марказий банкнинг «Электрон пулларни чиқариш ва муомалада бўлиши қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Низоми ҳам ушбу тизимнинг юридик ва амалий ижросини таъминлайди. Низом электрон пул эмитентлари ва тўлов ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб-китобларни, API орқали интеграциялашув ва маълумот алмашиш тартибини тартибга солади. Бундан ташқари, Марказий банкнинг стратегик қарорлари (масалан, Uzcard ва Humo тизимларини ягона инфратузилмага бирлаштириш, Payme ва Click каби финтех платформаларни банк хизматлари билан интеграция қилиш) электрон пул муомаласини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон пул муомаласини ривожлантириш учун етарли норматив база яратилган. Меъёрий ҳужжатлар соҳанинг ҳуқуқий томонини таъминласа, Марказий банк қарорлари банклар ва финтехлар интеграциясини амалда йўлга қўйиб, рақамли тўлов инфратузилмаси учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда электрон пуллар муомаласини ривожлантиришда нафақат меъёрий-ҳуқуқий база, балки рақамли инфратузилманинг кенгайиши ҳам стратегик аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2025 йилнинг статистик маълумотлари финтех хизматлари бозорининг жадал суръатлар билан ўсиб бораётганини кўрсатади. Ушбу динамикага мамлакатдаги рақамлаштириш даражаси юқорилиги, жумладан, интернет фойдаланувчилари сонининг 32,7 млнга (аҳолининг 89 фоизи) ҳамда мобил алоқа абонентларининг 33,9 млнга (аҳолининг 92 фоизи) етганлиги сезиларли таъсир кўрсатди. Истеъмолчилар фаоллигининг ошиши натижасида «Uzcard» ва «Humo» миллий тўлов тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми триллионлаб сўмни ташкил этиб, рақамли иқтисодиётнинг трансформациялашувини яна бир бор исботламоқда[2]. Жаҳон миқёсида эса рақамли тўловлар ҳажми \$2 квадриллион қийматдаги операциялардан \$2.5 трлн даромад келтирган, BNPL бозори \$350–500 млрдга етган (McKinsey & Company, 2025).

1-жадвал

Ўзбекистон ва глобал молия бозорида рақамли инфратузилма ва электрон пул муомаласи кўрсаткичлари (2025 йил)

Кўрсаткич	Ўзбекистон (2025)	Жаҳон (2025)
Интернет қамрови	89% аҳоли	70–75% глобал
Мобил алоқа	92% аҳоли	80% глобал
Электрон тижорат	\$1 млрд	\$ 5 трлн юқори
Электрон тижоратни йиллик ўсиш даражаси	4,6%	22%
Электрон ҳамён фойдаланувчилар сони	12 млн.	5,2 млрд.
Электрон ҳамён фойдаланувчиларнинг умумий аҳолига нисбатан	35 % яқин	60 % зиёд
Электрон ҳамёнлар орқали транзакциялар ҳажми	\$8.5 млрд	\$26.89 трлн
Ўртача транзакциялар	\$70	\$100–\$150
BNPL	Янада такомиллашиб, ривожлантирилмоқда	\$350–500 млрд
Эмиссия қилинган карталар сони	68 млн ортиқ	28-30 млрд.
Асосий платформалар	UzCard, Humo, Payme, Click, Apelsin ва бошқалар	Google Pay, Apple Pay, Alipay, Stripe, Adyen, Klarna, PayPal ва бошқалар

Жадвалдаги рақамлар таҳлилидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон рақамли инфратузилма жиҳатидан жаҳон кўрсаткичларидан илгарилаб кетган. Интернет қамрови (89%) ва мобил алоқа даражаси (92%) глобал кўрсаткичлардан (70–75% ва 80%) юқори бўлиб, финтех хизматлари ва электрон тижорат учун мустақкам асос яратади. Бироқ Ўзбекистонда электрон тижорат ҳажми \$1 млрд бўлса, жаҳон бозорида эса \$5 трлн юқори, бу эса, 5 баробар кичик, электрон ҳамёнлардан фойдаланувчилар улуши 35% яқин бўлиб, глобал кўрсаткичидан (60% зиёд) деярли 2 баробарга паст. Бу ҳолат Ўзбекистон бозори ҳали ривожланиш босқичида эканини англатади (StateGlobe, 2026).

Транзакциялар ҳажми \$8.5 млрд ва ўртача қиймати \$70 ташкил қилган бўлса, глобал кўрсаткичлар эса \$26.89 трлн ва ўртача қиймат \$100–150 ташкил қилиб, 1,5 -2 марта кичик бўлиб, Ўзбекистонда электрон ҳамёнлар асосан майда тўловлар учун ишлатилаётганини кўрсатади. BNPL хизматлари Ўзбекистонда ҳали ривожланиш жараёнида бўлса, жаҳонда бу бозор \$350–500 млрдга етгани молиявий инклюзия ва инновация даражасида катта фарқни намоён этади. Миллий платформалар (UzCard, Humo, Payme, Click, Apelsin ва бошқалар) аҳоли ва бизнес учун қулайлик яратган бўлса-да, глобал гигантлар (Google Pay, Apple Pay, Alipay, PayPal ва бошқалар) билан солиштирганда интеграция ва инновация имкониятлари чекланганлигини кўриш мумкин (McKinsey & Company, 2025).

Шунинг учун хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда рақамли инфратузилма кучли ва замонавий, аммо электрон тижорат ва молиявий инновациялар соҳасида глобал тажрибани интеграция қилиш, бозор ҳажмини кенгайтириш ва молиявий инклюзияни ошириш стратегик вазифа сифатида долзарб ҳисобланади. Бу жараёнда BNPL каби янги молиявий хизматларни ривожлантириш, глобал платформалар билан интеграцияни кучайтириш ва аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон электрон пуллар бозорининг таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатда рақамли инфратузилма мустақкам базага эга бўлиб, айрим кўрсаткичлар бўйича жаҳон тенденциялари билан муносиб рақобатлаша олади. Тўлов карталарнинг эмиссияси, интернет ва мобил алоқа қамровининг кенглиги аҳоли учун рақамли имкониятлар яратган бўлса-да, электрон тижорат (e-commerce) бозори ҳали ҳам дастлабки ривожланиш босқичида қолмоқда. Хусусан, электрон ҳамёнлардан фойдаланиш даражаси паст, транзакциялар асосан майда тўловларни қамраб олган. «Ҳозир сотиб ол, кейин тўла» (BNPL) хизматлари эса бозорда ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган. Миллий тўлов платформалари аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қатор қулайликлар яратганига қарамай, глобал финтех гигантлари билан интеграциялашув даражаси чекланганлигича қолмоқда. Шу туфайли соҳадаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистон электрон тижорат бозори ҳажми тез суръатлар билан ўсиб борса-да, унинг умумий чакана савдодаги улуши бор-йўғи **4,6 %** атрофида қолмоқда. Бу кўрсаткич жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан (22%) сезиларли даражада пастдир (Қарор, 2026).

- Шаҳар ва қишлоқ жойлари ўртасидаги рақамли фарқ сақланиб қолмоқда (шаҳарларда 77%, қишлоқларда 66%).

- Ўзбекистон аҳолисини рақамли саводхонлик даражаси ошириш зарурияти мавжудлиги.

- Бозордаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улуши ўсиб бораётганига қарамай, транзакцияларнинг асосий қисми оддий картадан картага (P2P) ўтказмалар ва коммунал тўловлар билан чекланган. Мураккаб финтех маҳсулотлари — электрон

ҳамёнлар орқали инвестиция киритиш, халқаро инвестицион интеграциялар ва BNPL хизматлари ривожланган бозорлар билан солиштирганда ҳали бошланғич босқичда.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги илмий асосланган таклифлар илгари сурилади:

- ❖ Рақамли инфратузилмани барча ҳудудларда барқарор ва мувозанатли кенгайтириш;
- ❖ Рақамли ва электрон тижоратни тизимли рағбатлантириш;
- ❖ Аҳолининг молиявий ва рақамли саводхонлигини ошириш;
- ❖ BNPL ва бошқа замонавий молиявий технологияларни (FinTech) фаол жорий этиш;
- ❖ Миллий платформаларнинг глобал тўлов тизимлари билан интеграциясини таъминлаш.

Хулоса қилганда, Ўзбекистонда кучли рақамли инфратузилма яратилган бўлса-да, ички бозор ҳажмини кенгайтириш ва молиявий инновацияларни жадал ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун стратегик вазифа ва долзарб заруриятдир.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Crane, J. (2023) *Electronic Banking Services and Mobile Payments: Transformative Impact on Financial Systems*. Berlin: Springer.

Fintech Consult (2022) *Fintech Market Development in Uzbekistan: Opportunities and Challenges*. International Report.

Gonzalez, M. (2024) *Digital Banking Evolution: Systematic Literature Review of Fintech Ecosystem Integration*. London: Nature Publishing Group.

Mastercard & Fintech Consult (2023) *Fintech Market Development in Uzbekistan: Opportunities and Challenges*. International Report.

Mastercard (2021) *Global Fintech Market Development: Digital Payments and Innovations*. Geneva: Mastercard Publications.

McKinsey & Company (2025) *Global Payments Report 2025*. New York: McKinsey Insights.

Schmidt, A. (2025) *Trends and Technologies in Banking Digital Transformation*. Academia.edu.

Sharipov, T. M. (2022) *Fintech Technologies as a Key Driver of Commercial Banks' Digital Transformation in Uzbekistan*. Тошкент: Tashkent State University of Economics.

Stat.uz (2025) *Цифровая экономика: Официальная статистика*. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. [<https://stat.uz>]

StateGlobe (2026) *Digital Marketing Statistics 2026: Uzbekistan Statistics*. [<https://data.stateglobe.com/uzbekistan>]

Statista (2025) *Digital Payments Worldwide – Market Size and Forecast*. Hamburg: Statista Research Department.

Қарор (2026) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 13 апрелда қабул қилинган ПҚ -136 сонли қарори*.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2023) *Электрон пулнинг ҳуқуқий асослари ва хавфсизлик масалалари*. Ҳисобот тўплами. Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2025) *Тўлов тизимлари ва электрон пул айланмаси бўйича йиллик ҳисобот*. [<https://cbu.uz>]